

# ҚАДИМ СУРХОН НАВОЛАРИ



# ҚАДИМ СУРХОН НАВОЛАРИ

(Аллалар ва Сурхондарё никоҳ тўйи  
маросими қўшиқлари)

«САНЪАТ» нашриёти  
ТОШКЕНТ — 2006 й.

## АСРЛАРГА БЎЙДОШ ҚЎШИҚЛАР

Маълумки, ўзбек халқ қўшиқларининг бетакрор жозибасига мафтун бўлган ҳар қандай киши бу жавоҳир дурдоналарини боболаримиз поэтик тафаккурининг сарчашмаларига ўхшатгиси келади. Очиғини айтганда, бу — жуда тўғри қиёс. Зотан, бадий салоҳияти ғоят баланд бўлган аждодларимизнинг беназир ижодий иқтидори туфайли юзага келиб, неча-неча асрлар ардоғида сайқалланган бундай фусункор оҳанглар ҳар қандай кишини сеҳрлаши табиий. Қолаверса, минг йиллар мобайнида эл-юртга жуда катта руҳий-маънавий кувват бахш этиб келган халқ қўшиқлари шонли тарихимизнинг бадий зарварақлари ҳамдир.

Халқимиз қалбининг энг нафис ва нозик ҳиссиётлари тўлқини бўлмиш қўшиқлар миллий маънавиятимизнинг бебаҳо хазинаси ҳисобланади. Мисраларга айланган қанотли орзулар ҳамда гўзал ташбеҳларга йўғрилган халқ қўшиқлари — ёр-ёр, ўлан, лапар, келин салом ва хилма-хил тароналар ҳеч қачон тароватини йўқотмайди. Нафосат гулшанида унган бундай бадийят қатралари шахс маънавий комиллигининг илк сарчашмаси бўлибгина қолмай, ўзида аждодларимизнинг яратувчилик, бунёдкорлик, эзгулик ва муҳаббат билан боғлиқ улуғвор қарашларини акс эттирганлиги учун ҳам умрбоқий қадриятлар тизимига айланган.

Халқимизнинг асрларга бўйдош қўшиқлари ҳар қандай кишининг қалбини титратмай қўймайди. Истиқболи ойдин Ўзбекистонимизнинг қай бир сўлим гўшасига қадам қўйманг, мунис онахонларимизнинг оромижон алласию, ҳар сўзида қалб нури жиловланган мўъжизакор қўшиқларни тингламай қайтмайсиз. Ана шу бой маданий меросимиз хазинаси — бадий сўз дурдоналарини тўплаш унинг ижодкорлари ва ижрочилари иқтидорига бўлган юксак эҳтиромнинг ўзига хос бир кўринишидир. Фольклор



Ёзиб олувчи ва тўплаб нашрга тайёрловчи

МУЗАФФАР НАИМОВ

Маскўл муҳаррир ва сўзбоши муаллифи  
филология фанлари доктори, профессор

МАМАТҚУЛ ЖЎРАЕВ

Халқ қўшиқлари миллий маданиятимизнинг энг қадимий ва умрбоқий бадий силсилаларидан бири бўлиб, аждодларимиз турмуш тарзи, анъаналари, орзу-интилишларининг ўзига хос қомусидир. Шунинг учун ҳам фольклор асарларини, айниқса, халқ қўшиқларини кенг оммалаштириш миллий ўзлиқни англашда муҳим аҳамият касб этади. Сурхондарё вилоятидан ёзиб олинган халқ қўшиқлари тўплами ҳам ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилади.

Тўплам халқ оғзаки бадий ижодиёти билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

© М.Наимов, 2006.

© «Сағъат» журнали нашриёти

асарларини ёзиб олиш ва унинг энг яхши намуналарини кенг оммалаштириш халқимиз руҳияти, ўзига хос турмуш тарзи, орзу-интилишлари, қувончу ташвишларини ғоят теран ифодалаган кўшиқчилик санъати анъаналарини сақлаб қолиш ва келгуси авлодларга етказишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Кўп минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек халқ кўшиқчилиги анъаналарини кўз қорачигидай авайлаб-асраш орқали унинг бизгача етиб келган тароналарини кенг қўламада ривожлантириш ва замондошларимиз баддий салоҳияти воситасида янада тараққий эттириш бугунги қунимининг долзарб вазифаларидан биридир.

Шу жиҳатдан қараганда, деновлик ёш муаллим, халқ оғзаки баддий ижодиёти ва кўшиқчилик санъатининг чинакам ихлосманди Музаффар Наимовнинг Сурхондарё вилояти бўйлаб ўтказган кўп йиллик фольклор экспедициялари маҳсули ўлароқ юзага келган “Қадим Сурхон наволари” номли кўшиқлар тўплами ҳам ана шундай эзгу изланишлар меvasи саналади. Узоқ йиллар мобайнида Хайрбод педагогика коллежида ёшларга сабоқ бериб келаётган М.Наимовнинг асли касби — мутахассислиги мусиқа ўқитувчиси. Унинг момоси Руқия ая ҳамиша невараларини жозибадор алла оҳанглари остида ухлатишни яхши кўрар, узун қиш кунлари болаларини пинжига олиб, узундан-узун эртакларни, ибратли нақлларни ҳикоя қилиб берарди. Чунки у ғоят сўзга чечан, ҳар бир гапида ҳикматли сўзларни ўринли қўлайдиган, яъни “гапга гул қўндириб” гурунглашадиган дилбар инсон бўлган. Шунинг учун ҳам Музаффар жуда ёшлигиданоқ халқ оғзаки баддий ижодиётига ихлос қўйди. Ўрта мактабда, сўнгра Деновдаги мусиқа мактаби ҳамда Термиз мусиқа билим юртида ўқиб юрган кезларидаёқ адабиёт муаллиминининг йўл-йўриқлари асосида алла, ёр-ёр, топишмоқ, мақол, эртақ ва ривоятларни ёзиб олди. Наврўз сайли ва тўй-ҳашамларга ташриф буюрган донгдор бахшиларнинг дostonлари ҳамда сержило дўмбира куйларини жон қулоғи билан берилиб тинглади. Ажиб бир энтиқиш билан остонаси тилло уй



бўсағаси олдида турган келинчакнинг пойига “ёр-ёр” у “ўлан” лардан пояндоз тўшайдиган аёлларнинг ижрочилик маҳорати уни, айниқса, ўзига ром этган эди. Шу боис Музаффар Наимов болалигиданоқ қадим Сурхон кўшиқларининг мафтунни бўлиб қолди. Аждодларимизнинг маънавий қадриятларини ўрганишга бўлган ҳавас Тошкент давлат консерваториясида таҳсил олган кезларида ҳам уни сира тарк этгани йўқ. Ҳар йили таътил бошланиши билан у ўз она диёри — Денов шаҳрига ошиқар ва ёз бўйи ўзининг сеvimли машғулоғи — халқ кўшиқларини тўплаш, ёзиб олиш, устозларидан ўрганган мусиқий сабоқлари асосида ноталаштириш билан шуғулланди.

Ана шу фольклористик изланишлар натижасида “Сурхон кўшиқлари” номли икки қисмдан иборат китоби чоп эттирилди. Қолаверса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, санъатшунослик доктори, профессор Рустам Абдуллаев раҳбарлигида Сурхондарё вилояти маросим фольклори мусиқаси бўйича номзодлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда.

Ўзбек фольклорининг алла, ёр-ёр ва келин салом жанрларига оид бадий матнлардан тузилган ушбу тўпламга Сурхондарё вилояти халқ оғзаки бадий ижодиётининг ҳудудий ўзига хослигини кўрсатувчи фольклор асарларигина киритилганлиги эътиборлидир. Боботогдан ёзиб олинган қуйидаги “алла” ни ўқир экансиз, беихтиёр ўз нури дийдасига бўлган меҳрини бениҳоя нозик ҳиссиётлар ила ифода этган ижрочининг бетакрор маҳорати олдида лол қоласиз. Чунки бу “алла” да сўзлар шунчаки куйланмади, балки сўзлар рақс тушади, сўзлар бағридаги ҳадсиз меҳр булоғи қайнаб-жўшади:

*Далада от бойладим,*

*Жоним болам алла-ё.*

*Айланиблар юрсин деб,*

*Ширин болам алла.*



Ёки:

*Қир-адирнинг лоласиё, алла,  
Айланиб кетсин холасиё, алла,  
Қора уйнинг мўрисиё, алла,  
Энаси бўлсин чўрисиё, алла.*

Маълумки, Сурхон воҳаси фольклори ҳақида сўз юритганда беихтиёр неварасини тизасига олганча авайлаб ухлатаётган боболар алласи — “хўйя” ёки “хўёлло” жанри ёдга тушади. Диёримизнинг бошқа гўшаларида учрамайдиган бу фольклор жанрига оид матнлар илк бор 1958–59 йилларда фольклоршунос Т. Мирзаев томонидан ёзиб олинган. Лекин бу жанр намуналари ҳозирга қадар тўла тўпланиб, илмий ўрганилганича йўқ. Шунинг учун ҳам Музаффар Наимов томонидан тузилган мазкур тўпламга “хўёлло” қўшиқларининг ажойиб намуналари киритилганлиги муҳим илмий аҳамиятга эгадир. Олтинсой туманининг Катта Вахшвор қишлоғида истиқомат қилувчи Нарзулло Ҳотамовдан ёзиб олинган “хўёлло” қўшиқларига жо бўлган самимият, халқимизга хос бағрикенглик ва меҳр-мурувватлиликнинг беҳиёс бадий талқини кишида ўчмас таассурот қолдиради:

*Сурув бўлсин подасия,, йу-хўй, йу-хўй, йу-хўй, йу-хўй,  
Янччоқ қолсин ходасия, йу-хўй, йу-хўй, йу-хўй, йу-хўй,  
Бир кун элга бош бўлсина, йу-хўй, йу-хўй, йу-хўй, йу-хўй,  
Қўп бўлсин садағасия, йу-хўй, йу-хўй, йу-хўй, йу-хўй.*

Тўпламда бундай таъсирчан мисралар, ижрочи қалбининг туб-тубидан оҳорланиб, товланиб чиққан камалакдай сержило қўшиқлар жуда кўп. Ўйлайманки, бу китоб ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Зеро Сурхон воҳасининг залворли тоғлари оша таралаётган асрий оҳанглар бизни боболаримиз тафаккурининг сирли мўъжизалари сари етаклайди.


**Маматқул ЖўРАЕВ,**  
филология фанлари доктори, профессор



6

## АЛЛАЛАР

Кўзимнинг оқ-қораси, алла жонима, алла,  
Кўзимнинг нури дийдаси, алла жонима, алла.  
Бурнисини икки палласи, алла жонима, алла,  
Осмондаги юлдузим, алла жонима, алла.  
Яқамдаги қундузим, алла жонима, алла.  
Алла айтиб боламниё ухлатайин, алла,  
Жоним болам кўзимга алла айтмай, алла,  
Танамдаги жонимсан, алла болам, алла,  
Қалбимнинг сен меваси, ухла болам, алла.  
Сенга тилаб оламни тебратаман, алла,  
Соғлигингни тилайман оллоҳимдан, алла.  
Оллоҳ берди сени менга, жоним болам, алла,  
Ухлаб катта бўл тезда ширин болам, алла.  
Болдан ширин бўларми, жон боласи, алла,  
Жонимдан ортиқ кўрдим сиз боламни, алла.  
Эртанги сен қувончим катта бўлгин, алла,  
Отанг каби сен бир кун таянчим бўл, алла.  
Тоғим бор деб ортимда суянайин, алла,  
Келажагиндан ўзим қувонайин, алла.  
Одам бўлгин одамларнинг сен сараси, алла,  
Элга хизмат қил болам сен таянчим, алла.  
Шунда танам яйрайди, жоним болам, алла,  
Элда хизматда бўлсанг, ширин болам, алла.  
Оллоҳ фарзанд берибди бокира бўл, алла,  
Ростгўй оқил одам бўл, жоним болам, алла.  
Луқмаси пок одамнинг йўли равон, алла,  
Равон йўлдан юргин сен жоним болам, алла.  
Мендан ўсган дарахтим мевали бўл, алла,  
Меваларинг хор қилма азиз болам, алла.  
Никоҳ билан уй қурган ота-бобонг, алла,  
Сен покиза инсон бўл, жоним болам, алла (1).



7

Алла, алла, аҳди бор-а, алла-ё, алла-ё,  
 Уйқунинг ҳам вақти бор-а, алла-ё, алла-ё,  
 Алла айтган энангниё, алла-ё, алла-ё,  
 Қоп-қорайган бахти бор-а, алла-ё, алла-ё.

Дашту далада узум, алла-ё, алла-ё,  
 Узганимни ким билар-а, алла-ё, алла-ё.  
 Ҳасрату армон билан, алла-ё, алла-ё,  
 Жон берганимни ким билар-а, алла-ё, алла-ё.

Сен суюкли эркатойим, алла-ё, алла-ё,  
 Шўхликкина қўзичоғим, алла-ё, алла-ё.  
 Суйиб-суйиб ўпай сени, алла-ё, алла-ё,  
 Ширингина дўмбоғим, алла-ё, алла-ё (2).

Алла болам алла-ё,  
 Жоним болам алла.  
 Беқасам тўн кийгиздим  
 Жоним болам алла-ё.  
 Ярашиблар юрсин деб,  
 Ширин болам алла.  
 Белингга белбоғ ўратдим,  
 Жоним болам алла-ё.  
 Маҳкам ушлаб турсин деб,  
 Ширин болам, алла.  
 Далада от бойладим,  
 Жоним болам, алла-ё.  
 Айланиблар юрсин деб,  
 Ширин болам, алла.

Умид билан боқдимо,  
 Жоним болам, алла.  
 Ўйнабгина юрсин деб,  
 Ширин болам, алла.

Умид билан катта қилдим,  
 Жоним болам, алла-ё.  
 Чавандозлар бўлсин деб,  
 Ширин болам, алла.

Сой ёқалаб кетайин,  
 Жоним болам, алла.  
 Сойдан бодом терайин,  
 Ширин болам алла.

Терангина бодомимни,  
 Ширин болам, алла.  
 Ўровингга<sup>1</sup> солайин,  
 Жоним болам, алла.

Ўтовингнинг ичида,  
 Жоним болам, алла.  
 Жавлон уриб ётайин,  
 Ширин болам, алла.

Алла болам оҳори<sup>2</sup>,  
 Жоним болам, алла.  
 Бугдой эккан наҳори,  
 Ширин болам, алла.

<sup>1</sup> Ўровингга — чақалоқнинг ётоқ ўрни.

<sup>2</sup> Оҳори — жуда нозик, гард тегмаган.

Чумчуқ есин донини,  
Жоним болам, алла.  
Дуо қилсин доимо,  
Шу боламнинг жонини.  
Алла болам, йигитим,  
Жоним болам, алла.  
Баҳор эккан чигитим,  
Ширин болам, алла.  
Униб чиқсин мулойим, аллаё,  
Болагинамнинг жонини  
Асрасина худойим, алла.


Пиёлага пиёзим,  
Жоним болам, алла.  
Билаб олган ниёзим,  
Ширин болам, алла.

Пиёлага пиёз қиз,  
Жоним болам, алла.  
Хўжасига ниёз қиз,  
Ширин болам, алла.

Алла болам ёйдайин,  
Жоним болам, алла.  
Ёйлик чиққан кундайин,  
Ширин болам, алла.  
Алла болам алла-ё,  
Ширин болам алла-ё, алла (3).

\* \* \*

Болажоним сардорйе, алла  
Юрагимнинг дармониё, алла.  
Ухла қизим, алла-ё, алла,  
Ширин тойим, алла-ё, алла.



Тебратадиган опанг бора, алла,  
Алла айттай тинглагина, алла,  
Қулоқ солиб ухлагина, алла,  
Зардолининг танасиё, алла.

Ўргилсино аммасиё, алла,  
Ёғ кадининг латтасиё, алла.  
Айлансинда холасиё, алла,  
Хабар олсин тоғасиё, алла (4).

\* \* \*


Сув кадининг латтасиё, алла,  
Айланиб кетсин отасиё, алла.  
Катта тутнинг танасиё, алла,  
Айланиб кетсин энасиё, алла.

Чоригининг пошнасиё, алла,  
Айланиб кетсин ошнасиё, алла.  
Чинни чойнакнинг шаммасиё, алла,  
Айланиб кетсин аммасиё, алла.

Қир-адирнинг лоласиё, алла,  
Айланиб кетсин холасиё, алла.  
Қора уйнинг мўрисиё, алла,  
Энаси бўлсин чўрисиё, алла (5).

\* \* \*

Алла болам, жотағаё, алла,  
Гул достикқа ботағаё, алла.  
Аллаёв алла, аллаё алла.  
Етти ойлик вақтингда, аллаё алла.  
Отанг кетди урушга, алла.  
Урушлари кўрисино, аллаё алла,  
Душманларга ўт тушино, аллаё алла,  
Аллаёв алла, аллаё алла.



Душманларнинг деволиё, алла,  
Ўрмалайди чумоли, аллаё алла.  
Чумолига жўқмидиё, аллаё алла,  
Бегуноҳлар уволиё, алла,  
Аллайов алла, аллаё алла.

Отанг журган жўлларга, аллаё алла,  
Гул чамбарлар очилсино, алла.  
Душман юрган жўлларгаё, аллаё алла,  
Чақир тикон босилсино, алла.  
Аллайов алла, аллаё алла.

Чироғим бор ўнинчи, аллаё алла,  
Пилиги ўн биринчи, алла.  
Солдатларнинг ичидаё, аллаё алла,  
Отагинанг биринчиё, аллаё алла.  
Аллайов алла, аллаё алла.

Қора уйдинг жопсари<sup>1</sup>, аллаё алла,  
Очиб қаранг ким сари, алла.  
Жопсар жориб қарасам, алла,  
Қуёв қонниқ қопсари<sup>2</sup>, алла.  
Аллайов алла, аллаё алла (6).

\* \* \*

Алла жоним айлансин, аллаё алла,  
Белинг маҳкам боғлансин, аллаё алла.  
Худойжоним умр бериб, аллаё алла,  
Боғинг маҳкам боғлансин, аллаё алла.

<sup>1</sup> Жопсари — ёпғич.

<sup>2</sup> Қопсари — семиз, бақалоқ.

Қошинг қаро ё кундуз, аллаё алла,  
Кеча ухла ё кундуз, аллаё алла.  
Сенга ҳамроҳ бўлсин, аллаё алла.  
Кеча билан кундузей, аллаё алла.

Бошинг эсон бўлсина, аллаё алла,  
Умринг узоқ бўлсина, аллаё алла.  
Ота-онанг омон бўлиб, аллаё алла,  
Сени катта қилсина, аллаё алла.

Югуриб йўлларга кирсин, аллаё алла,  
Боғлардан гуллар терсин, аллаё алла.  
Бобо-момонг келганда, аллаё алла,  
Тезда салом бергина, аллаё алла.

Ой нечага-нечага, аллаё алла,  
Булбул қўнар гул гунчага, аллаё алла.  
Алла айтиб берайин, аллаё алла,  
Сендайгина баччага, аллаё алла (7).

\* \* \*

Худо берган эрмагим,  
Шоли билан курмагим,  
Жоним болам, алла.

Айланайин айвоним,  
Юрчи билан Деновим,  
Қўзим болам, алла.

Қариганда боқарим,  
Чироғимни ёқарим,  
Ширин болам, алла.

Сум<sup>1</sup> сариқ, сочим сариқ.  
Сарғайганимни ким билар,  
Жоним болам, алла.

Бу мусофир юртига,  
Жон берганимни ким билар,  
Ширин болам, алла.

Кўзимдан оққан ёшга,  
Сен ҳайронлар бўлмагин,  
Жоним болам, алла.

\* \* \*

Белгинамнинг қуввати,  
Жоним болам, алла.  
Тилгинамнинг узунни,  
Ширин болам, алла.

Давраларда сўзлар сўзим,  
Жоним болам, аллаё.  
Чақнаб турган чақмоқ кўзим,  
Ширин болам, аллаё.

Сахарлаб уйғонадурман,  
Жоним болам, аллаё.  
Илондек чўлғонадурман,  
Ширин болам, алла.

Иним ёдимга тушганда,  
Жоним болам, аллаё.  
Худо деб ёлворадурман,  
Ширин болам, алла (8).

<sup>1</sup> Сум — ранг, руй.



## ХҲЙО-ХҲЙ

ХҲйо болам, хҲйо-хҲй  
ХҲйо-хҲй, талқон туй.  
Бир коса сув, бетингни жув,  
ХҲйо болам, хҲйо-хҲй.


Чамбил белдан от қочирдим,  
Изи жўқ, хҲйо болам, хҲйо-хҲй.  
Қирқ жигитга май ичирдим,  
Тузи жўқ, хҲйо болам, хҲйо-хҲй.  
ХҲйолар қилай боламдия, хҲйо-хҲй,  
Жўлларига солай туямдия, хҲйо-хҲй.  
Туялар бўйин эгканда, хҲйо-хҲй,  
Миндирайинда боламдия, хҲйо-хҲй.

Муродбойим от чопсина, хҲйо-хҲй,  
От устида мол топсина, хҲйо-хҲй.  
Катта чопоғон бўлсина, хҲйо-хҲй,  
Улисини<sup>1</sup> унгарсин, хҲйо-хҲй,  
Тирусини<sup>2</sup> ҳайдатсина, хҲйо-хҲй.

Мўл бўлсинда рисксия, хҲйо-хҲй,  
Тўкин бўлсин рўзғориё, хҲйо-хҲй.  
Дастурхони нондан тўлсин, хҲйо-хҲй,  
Дондан тўлсин омборлари, хҲйо-хҲй.  
Қўйдан тўлсин қўтония, хҲйо-хҲй,  
Молдан тўлсин жайловия, хҲйо-хҲй (1).

<sup>1</sup> Улисини унгарсин — улушини, улогини ажратсин.

<sup>2</sup> Тирусини ҳайдатсин — ажратган мол, улогларни подага қўшиш.



Келгин болам тизамга,  
 Ёл<sup>1</sup> буларсан ўзимга,  
 Қулоқ солгин сўзимга  
 Хуёо болам, хуёо.

Жоним болам от чопсин,  
 Отига бахмал ёпсин,  
 Хўйя солсин отаси,  
 Орқасидан ёл топсин,  
 Хўйё болам, хўйё.

Болам сен ҳам ботирим,  
 Чопиб келаётирим.  
 Чўпон бўлсанг қўйларга  
 Боқарсан ўтлоқ, сойларга  
 Хўйё болам, хўйё.

Хўйё-хўйё, хўйёнг қани?  
 Бованг берган туянг қани?  
 Бованг берган туянг бўлса,  
 Боқиб юрганларинг қани?  
 Боқиб юрган туянг бўлса,  
 Адир ҳам чўлларинг қани?

Хўйё қилай хўйдага,  
 Отинг солгин тўдага.  
 Хўйё қилсам ухлагин,  
 Отанг сендан садаға  
 Хўйё болам, хўйё-и-и! (2).

<sup>1</sup> Ёл — ҳамроҳ.

Хўёлло буваси қашқа, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Хўкизи киради мошга, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Кўшга илдам бўлмаса-я, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Қайла қилинглр гўштга йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Терисини сийириб-а, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Пичинглр кўп ковушга, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй.

Бир жуп беринг Бувишга, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Яна бир жуп Кумушга, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Қолгани эли-хешга, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй.

Ола чипор оёғи, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Темирдаийин туёғи, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Хўёлла айтай хуй бўлгина, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Ювошгина қўй бўлгина, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Худойимдан тиладима, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Катта бўлгин, тўй бўлгин-а, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй.

Бувагинанг даласи-я, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Хўкизининг малласи, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Юрагимди эзди-я, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Момосининг алласи, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй.

Холаси холдор бўлсино, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Шу болам молдор бўлсин-а, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Шохдор-шохдор хўкизлара, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Тулпори ёлдор<sup>1</sup> бўлсина, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй.

Ё худойим ёш берсина, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Қозон тўла ош берсина, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Шу йигитнинг бахтига, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Бир ёш қаламқош берсина, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй.

<sup>1</sup> Ёлдор — ҳайвонлар гарданида бўладиган узун соч.

Оппоқ бўлсин соқоли-я, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Отлар минсин тақалиё, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Чирозлари ярашган, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Тўнлар кийсин, ёқали-я, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,

Сурув бўлсин подасия, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Янччоқ қолсин ходасия, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Бир кун элга бош бўлсина, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Қўп бўлсин садагасия<sup>1</sup>, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй.

Камар<sup>2</sup> боши товаси, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Тоғларининг лоласи, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Бувасининг боласия, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Келсин ҳар ким ҳаваси, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй.

Ярашади қилиғи, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Қошларининг пилиғи, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Полвон бўлсин худойим-а, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Тўла бўлсин илиғи-я, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй.

Қишда қалин қор бўлсин-а, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Элга номус-ор бўлсина, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Катта-кичик ҳаммага, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,  
 Худо мададкор бўлсина, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй (3).

<sup>1</sup> Садага — қурбонинг бўлай, ўргилай.

<sup>2</sup> Камар — сув ювиши натижасида пайдо бўлган ўйиқ жой.

## “ЁР-ЁР”

Нима кийсанг ярашади,  
 Бўйгинанга ёр-ёрей, ёр-ёрей.  
 Ўлан айтай деб келдимо,  
 Тўйгинанга ёр-ёрей, ёр-ёрей.

Отанг қилган бу эшик,  
 Ёпилмайди ёр-ёрей, ёр-ёрей.  
 Шу қиз тенги дунёда,  
 Топилмайди ёр-ёрей, ёр-ёрей.

Ҳай, ҳай ўлан, жон ўлан,  
 Кимни тўйи ёр-ёрей, ёр-ёрей.  
 Оқ гул билан қизил гул,  
 Қизни тўйи ёр-ёрей, ёр-ёрей.

От боғлаган қозикни,  
 Ўтов денглар ёр-ёрей, ёр-ёрей.  
 Келин келган эшикни,  
 Тилло денглар ёр-ёрей, ёр-ёрей.

Ҳай, ҳай ўлан, жон ўлан  
 Саккиз денглар ёр-ёрей, ёр-ёрей.  
 Саккиз боғда очилган,  
 Гул лоламиз ёр-ёрей, ёр-ёрей.  
 Саккиз қизни сардори,  
 Биз бўламиз ёр-ёрей, ёр-ёрей.

Офтобага сув қуйманг,  
 Тошар кетар ёр-ёрей, ёр-ёрей.  
 Узоқларга қиз берманг,  
 Олар кетар ёр-ёрей, ёр-ёрей.  
 Қуда холам томинийё,

Толдан ёпган ёр-ёрей, ёр-ёрей,  
Унинг тол ёғочини,  
Қайдан олган ёр-ёрей, ёр-ёрей (1).

\* \* \*

Сойдан чиққан қамишни, ёр-ёрей,  
Чойдишга<sup>1</sup> сол қайнасин, ёр-ёрей.  
Икки мўмин ёр бўлди, ёр-ёрей,  
Қарсак чалинг уйнасин, ёр-ёрей.

Рўмолим бор ҳаридан, ёр-ёрей,  
Қизил гулнинг баргидан, ёр-ёрей.  
Ўтирсам турулмайман, ёр-ёрей,  
Ошиқликнинг дардидан, ёр-ёрей.

Қоши энди кўзингдан, ёр-ёрей,  
Ширин энди сўзингдан, ёр-ёрей.  
Ёринг ўзи айлансин, ёр-ёрей,  
Босган энди изингдан, ёр-ёрей.

Меҳмонхона ўчоғи, ёр-ёрей,  
Қўкча қовун пўчоғи, ёр-ёрей.  
Жигитларга шириндир, ёр-ёрей,  
Келин ойнанинг кучоғи, ёр-ёрей.

Келин ойнанинг лабларида,  
Холи бордир ёр-ёрей.  
Қўёжонга гап берганда,  
Тилларида боли бор, ёр-ёрей.

Эшик олди мошпоя, ёр-ёрей,  
Барги бошимга соя, ёр-ёрей.

<sup>1</sup> Чойдиш — сув қайнатадиган қумғон.

Ҳамма дардга бор даво, ёр-ёрей,  
Ошиқликка йўқ даво, ёр-ёрей.

Олма берсам олмайсан, ёр-ёрей,  
Беҳи берсам кўнмайсан, ёр-ёрей.  
Қайси боғнинг гулисан, ёр-ёрей,  
Қандай бойнинг қизисан, ёр-ёрей.

Пиёлага чой кўйдим, ёр-ёрей,  
Чайқамангиз, тўкмангиз, ёр-ёрей.  
Менга ваъда берсангиз, ёр-ёрей,  
Урушмангиз, сўкмангиз, ёр-ёрей.

Жар ёқалаб қишладим, ёр-ёрей,  
Жардана чумчуқ ушладим, ёр-ёрей.  
Дўнг юрдимда, паст юрдим, ёр-ёрей,  
Сен қизингнда хушладим, ёр-ёрей.

Бозорларга бораман, ёр-ёрей,  
Тилло узук оламан, ёр-ёрей.  
Ўнг ёғингдан кираман, ёр-ёрей,  
Қўлингга узук соламан, ёр-ёрей.  
Отанг арзон берсалар, ёр-ёрей,  
Сени ўзим оламан, ёр-ёрей.

Осмонда ой ботмасин, ёр-ёрей,  
Келин келган кечаси, ёр-ёрей.  
Ҳаволар ёғиб ётмасин, ёр-ёрей,  
Тўйга келган момолар, ёр-ёрей,  
Тағин тойиниб кетмасин, ёр-ёрей.

Толдан тобоқ ёр-ёрей,  
Тўйга келган момоларнинг,  
Дарди томоқ, ёр-ёрей.

Толдан қошиқ, ёр-ёрей,  
 Куёв йигит олган ёри,  
 Олтин қошиқ, ёр-ёрей.  
 Сув келади пахса-пахса, ёр-ёрей,  
 Пойизингди жули тохта, ёр-ёрей.  
 Қўп йигитларнинг ичида, ёр-ёрей,  
 Қуёв йигитни мақта, ёр-ёрей.

Чироқлари бешинчи, ёр-ёрей,  
 Пилиги ўн биринчи, ёр-ёрей.  
 Йигитларнинг ичида, ёр-ёрей,  
 Куёв жигит биринчи, ёр-ёрей (2).

\* \* \*

Икки ёнма-ён,  
 Бўй беради ёр-ёр.  
 Икки қудда тенг туриб,  
 Тўй беради ёр-ёр.

Чимилдиқнинг боғини  
 Тўқитанмиз ёр-ёр.  
 Бизни қизни сўрасангиз  
 Уқитанмиз ёр-ёр.

Куёв тўра уйларини  
 Толдан ёпган ёр-ёр.  
 Шундай тўзал келинчакни  
 Қайдан топган ёр-ёр.

Осмондаги юлдузни  
 Саккиз денглар ёр-ёр.  
 Саккиз қизни сардори  
 Келди денглар ёр-ёр.

Саккиз қизни сардори  
 Биз бўламиз ёр-ёр.  
 Номозшомда очилган  
 Гул бўламиз ёр-ёр.  
 Орийатли келинчак кетаётир ёр-ёр.

Мен отимни қўшмайман  
 Ёмон отта ёр-ёр.  
 Қандай жавоб берамано  
 Қиёматта ёр-ёр.

Чимилдининг чип-чинор  
 Бўйинг чинор ёр-ёр.  
 Бўйинга кўз тегмасин  
 Олгин тумор ёр-ёр.

От минибди бўз йигит  
 Бўзлаб-бўзлаб ёр-ёр.  
 Минган оти саманми  
 Ё жийронми ёр-ёр.

\* \* \*

Тахта-тахта кўпирик,  
 Тахтинг бўлсин, ёр-ёр.  
 Пайғамбарнинг қизидай  
 Бахтинг бўлсин, ёр-ёр.

Пайғамбарни қизини  
 Ким кўрибди, ёр-ёр.  
 Ота-она уйдан  
 Ким тўйибди, ёр-ёр.

Оқ кўйлагим чокини  
Сўтдим<sup>1</sup> она ёр-ёр.  
Оқ сутинга рози бўл  
Кетдим она ёр-ёр.

Ота-онам уйида  
Бир гул эдим ёр-ёр.  
Қафасда сайраб турган  
Булбул эдим ёр-ёр.

Қафасимни ёнидан  
Учди қушим ёр-ёр.  
Бетона бир жойларга  
Тушди қушим ёр-ёр.

Оқ теракнинг шохини  
Ким қайирди ёр-ёр.  
Келин қизни онасидан  
Ким айирди ёр-ёр.

Оқ остона остига  
Отам ётар ёр-ёр.  
Оқ бўз отни юборса  
Келмай ётар ёр-ёр.

Бориб айтинг жаброилга  
Жавоб берсин ёр-ёр.  
Етиб келсин қизларининг  
Тўйларига ёр-ёр.

<sup>1</sup> Сўтмоқ — тикилган жойидан, чокидан ечиш.

Кадидаги қатикни  
Ким тўкибди ёр-ёр.  
Кетаётган қизимни  
Ким сўкибди ёр-ёр.

Қат-қатгина қатлама  
Қатланибди ёр-ёр.  
Қизни олиб янгаси-ё  
Отланибди ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан жон ўлан  
Ўланмисиз ёр-ёр.  
Саккиз беҳишт ичида  
Сардормисиз ёр-ёр.

Оқ милтиқ, қора милтиқ  
Отган отам ёр-ёр.  
Ўз қизини кўп пулга  
Сотган отам ёр-ёр.

Ўз қизини йўлига  
Бодом эксин ёр-ёр.  
Бодом шохи қайрилса  
Болам десин ёр-ёр.

Олида тушган қизнинг  
Ранги сариқ ёр-ёр.  
Кўзидан ёши оқар  
Мисли ариқ ёр-ёр (4).

## КЕЛИН САЛОМ

Кайвони: Аввало оллоҳимга салом  
Азизу авлиёларга салом  
Биби Фотима, Биби Зухра  
Сизларга салом.

Аёллар: Ҳазор алик, қуллуқ.

Кайвони Жаброилу Расулulloҳ,  
Сизларга салом.  
Иброҳим Халилulloҳ  
Сизларга салом.

Аёллар: Ҳазор алик, қуллуқ.

Кайвони: Ё Мухаммад, сизга салом,  
Одам ато, момо ҳаво сизга салом.  
Ўн саккиз минг оламнинг сарвари сизга салом.

Аёллар: Ҳазор алик, қуллуқ.

Кайвони: Маккадилло йўлида,  
Чор китоби қўлида,  
Қайнога бувасига салом!

Аёллар: Ҳазор алик, қуллуқ.

Кайвони: Юзлари бор ойдек,  
Қош кўзлари ёйдек,  
Қуда холага салом.

Аёллар: Ҳазор алик, қуллуқ.

Кайвони: Уй айланиб иш қилган,  
Қўли ювуқсиз ош қилган.  
Янгаларига салом!

Аёллар: Ҳазор алик, қуллуқ.



Кайвони: Томга чиқса норвондек,  
Икки кўзи алвондек,  
Қадам ташлар полвондек,  
Қуёв болага салом!  
Ҳазор алик, қуллуқ.

Кайвони: Бошга рўмол ўраган,  
Тўй қачон деб сўраган,  
Қўшиларига салом!  
Ҳазор алик, қуллуқ (1).

\* \* \*

Кайвони: Бугдой узум ғўраси,  
Қуёвбекнинг жўраси,  
Норғулойнинг тўраси  
Баҳром акасига салом!  
Ҳазор алик, қуллуқ.

Аёллар: Ҳазор алик, қуллуқ.

Кайвони: Бўш қозонга ош бошлаган,  
Икки ёшга бош бўлган,  
Қайночасига салом.

Аёллар: Ҳазор алик, қуллуқ.

Кайвони: Тол бешикка таянган,  
Ўғлим бор деб суянган,  
Қайночасига салом.

Аёллар: Ҳазор алик, қуллуқ.

Кайвони: Осмондаги юлдуздек  
Қоши қора кундуздек,  
Дили ойдин кундуздек  
Қайночасига салом!  
Ҳазор алик, қуллуқ.

Аёллар: Ҳазор алик, қуллуқ.



Кайвони: Отга минса минордек,  
Отдан тушса чинордек,  
Кув жўраларига салом.  
Аёллар: Ҳазор алиқ, қуллуқ.

Кайвони: Ошга солган илиқдек,  
Қошу кўзи пиликдек  
Келин дугоналарига салом  
Аёллар: Ҳазор алиқ қуллуқ. (2)\*

\*\*\*

Кайвони: Мирза терак ўстирган,  
Ғайратли ўғил ўстирган,  
Қайнонасига бир жуфт салом.  
Аёллар: Раҳмат, қуллуқ.

Кайвони: Беқасам тўн жоғаси<sup>1</sup>,  
Айлансинда тоғаси,  
Тоғаларига бир жуфт салом.  
Аёллар: Раҳмат, қуллуқ.

Кайвони: Қирмизи чойнак шаммаси,  
Айлансинда аммаси,  
Аммаларига бир жуфт салом.  
Аёллар: Раҳмат, қуллуқ.

Кайвони: Далаларнинг лоласи,  
Айлансинда холаси,  
Холаларига бир жуфт салом.  
Аёллар: Раҳмат, қуллуқ.

<sup>1</sup> Жоғаси — ёқаси.

Кайвони: Қозонини қириллатган,  
Чақасини чириллатган,  
Қайнбаччаларига бир жуфт салом.  
Аёллар: Раҳмат, қуллуқ.

Кайвони: Кўйлари қумларни жойлаган,  
Корсондай қуйруқ бойлаган,  
Ўпон акаларига бир жуфт салом.  
Аёллар: Раҳмат, қуллуқ.

Кайвони: Эшагини их деган,  
Носвойини туф деган,  
Боболарига бир жуфт салом.  
Аёллар: Раҳмат, қуллуқ.

Кайвони: Келин қандай экан деб,  
Қўш овулдан сўраган,  
Совчиларга бир жуфт салом.  
Аёллар: Раҳмат, қуллуқ.

Кайвони: Токчадаги пачка пулдай,  
Очилмаган атир гулдай,  
Қайинсингилларига бир жуфт салом.  
Аёллар: Раҳмат, қуллуқ.

Кайвони: Телпагини қайирган,  
Ҳамма жойдан ҳақини айирган,  
Тоғаларига бир жуфт салом.  
Аёллар: Раҳмат, қуллуқ (3).

\*\*\*

Кайвони: Боғда узум гўраси,  
Раисларнинг жўраси,  
Тоғасига бир салом.

Аёллар: Куллуқ, кўп яшанг!

Кайвони: Бозорга бориб чой олган,  
Сой олдида жой олган,

Аёллар: Акаларига бир салом.  
Куллуқ, кўп яшанг!

Кайвони: Киши ҳақини емаган,  
Ҳеч қаердан қолмаган,  
Аёллар: Боболарига бир салом.  
Куллуқ, кўп яшанг!

Кайвони: Қалпоғини қайирган,  
Тўйдан улоқ айирган.  
Аёллар: Чопағон амакиларига бир салом.  
Куллуқ, кўп яшанг!

Кайвони: Очилганда гулдай бўлган,  
Ҳаммаларига бирдай бўлган,  
Аёллар: Қайинсингилларига бир салом.  
Куллуқ, кўп яшанг!

Кайвони: Бақилдоғи<sup>1</sup> ойнадай,  
Ёйилиб оққан дарёдай,  
Аёллар: Овсинларига бир салом.  
Куллуқ, кўп яшанг!

Кайвони: Оёғида маҳсиси,  
Боболарнинг яхшиси,  
Аёллар: Қайнаталарига бир салом.  
Куллуқ, кўп яшанг!

<sup>1</sup> Бақилдоғ — бўйинга осадиган тақинчоқ.

Кайвони: Орқасини чуватган<sup>1</sup>,  
Невараларини юпатган,  
Аёллар: Момаларига бир салом.  
Куллуқ, кўп яшанг!

Кайвони: Яланг кўйлақ киймаган,  
Яланг оёқ журмаган,  
Аёллар: Холаларига бир салом.  
Куллуқ, кўп яшанг! (4)

\* \* \*

Кайвони: Эшиб<sup>2</sup> қўйган ипакдай,  
Қоши кўзи пупакдай,  
Аёллар: Келин салом бир салом,  
Келинларига салом.  
Балли куллуқ, ҳазор алиқ!

Кайвони: Қизил олманинг пўсти,  
Қуёв йигитнинг дўсти,  
Аёллар: Келин салом бир салом,  
Қуёв жўраларига салом.  
Балли куллуқ, ҳазор алиқ!

Кайвони: Қора кўйнинг барраси,  
Йигитларнинг сараси,  
Аёллар: Келин салом бир салом,  
Қуёв тўрага салом.  
Балли куллуқ, ҳазор алиқ!

<sup>1</sup> Чуватиш — ёш болаларнинг ўралашиб юриши.

<sup>2</sup> Эшмоқ — айлангириб, бураб, тоглаб пишиқ қилмоқ.

Кайвони: Чилдирмани чалдирган,  
Хотин-қизни йиғдирган,  
Келин салом бир салом,  
Санъаткорларга салом.  
Аёллар: Балли қуллук, ҳазор алиқ!

Кайвони: Ҳовлисидан йўл берган,  
Қўганидан<sup>1</sup> қўй берган,  
Келин салом бир салом,  
Қайнотасига салом.  
Аёллар: Балли қуллук, ҳазор алиқ!

Кайвони: Ўчоқ бошдан уйрилган<sup>2</sup>,  
Ўғил туғиб керилган,  
Келин салом бир салом,  
Қайнонасига салом.  
Аёллар: Балли қуллук, ҳазор алиқ!

Кайвони: Тўлиб оққан сойдайн,  
Ўн тўрт кунлик ойдайн,  
Келин салом бир салом,  
Янгаларига салом.  
Аёллар: Балли қуллук, ҳазор алиқ!

Кайвони: Мачитимиз йўлида,  
Жойнамози қўлида,  
Келин салом бир салом,  
Боболарига салом.  
Аёллар: Балли қуллук, ҳазор алиқ!

<sup>1</sup> Қўтан — қўйларни қамаб қўядиган махсус жой: қўра, қўйхона.  
<sup>2</sup> Уйрилган — уймалашган..



*Хотамова Ойим*



*Муродалиева Зумрад*



*Хотамов Нарзулло*



*Салаева Нурбиби*



Соатова Хайитгул



Янгибоев Абдухамид



Содиқова Майсара



Пўлатова Хурсаной

## АЛЛАЛАР

- (1) – Сурхондарё вилояти, Узун туман Ж.Эшмирзаев жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи 1929 йилда туғилган Тургунова Аширкул момодан 2003 йил май ойида М.Наимов ёзиб олган.
- (2) Сурхондарё вилояти, Денов туман, Галаба жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи 1925 йилда туғилган Содиқова Майсара момодан 2003 йил сентябрь ойида М.Наимов ёзиб олган.
- (3) Сурхондарё вилояти, Олтинсой туман Катта Вахшивор ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи 1930 йилда туғилган Хотамова Ойим момодан 2003 йил сентябрь ойида М.Наимов ёзиб олган.
- (4) Сурхондарё вилояти, Олтинсой туман Катта Вахшивор ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи 1926 йилда туғилган Қораева Зайнаб момодан 2003 йил сентябрь ойида М.Наимов ёзиб олган.
- (5) Х.Ғафуров. “Халқ ўйинлари, қўшиқлари ва анъаналарига бир назар. Тошкент: Камалак, 1992. – 52-бет.
- (6) Сурхондарё вилояти, Шўрчи туман Ижтимоят жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи 1952 йилда туғилган Соатова Ҳайиткулдан 2003 йил октябрь ойида М.Наимов ёзиб олган.
- (7) Сурхондарё вилояти, Денов туман Ш.Худойназаров жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи 1948 йилда туғилган Пулатова Хурсаной момодан 2003 йил октябрь ойида М.Наимов ёзиб олган.
- (8) Сурхондарё вилояти, Денов туман Мустақиллик жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи 1960 йилда туғилган Раҳмонқулова Махбубадан 2002 йил март ойида М.Наимов ёзиб олган.

## ҲҲҲҲҲҲҲ


- (1), (2) Сурхондарё вилояти, Шўрчи туман Ижтимоят жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи 1936 йилда туғилган Янгибоев Абдуҳамид бободан 2003 йил октябрь ойида М.Наимов ёзиб олган.
- (3) Сурхондарё вилояти, Олтинсой туман Катта Вахшивор қишлоғида истиқомат қилувчи 1940 йилда туғилган Хотамов Нарзуллодан 2003 йил ноябрь ойида М.Наимов ёзиб олган.



- (1) Сурхондарё вилояти, Денов туман Ўшор қишлоғида истиқомат қилувчи 1956 йилда туғилган Раҳимова Ҳабиба опада 2003 йил май ойида М.Наимов ёзиб олган.
- (2) Сурхондарё вилояти, Денов туман Ш.Қобилов жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи 1913 йилда туғилган Муроталиева Зумрад момодан 2003 йил август ойида М.Наимов ёзиб олган.
- (3) Сурхондарё вилояти, Олтинсой туман Катта Вахшивор ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи 1930 йилда туғилган Хотамова Ойим момодан 2003 йил сентябрь ойида М.Наимов ёзиб олган.
- (4) Сурхондарё вилояти, Олтинсой туман Катта Вахшивор ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи 1930 йилда туғилган Хотамова Ойим момодан 2003 йил сентябрь ойида М.Наимов ёзиб олган.

## КЕЛИН САЛОМ

- (1) Сурхондарё вилояти, Денов туман Ўшор қишлоғида истиқомат қилувчи 1956 йилда туғилган Раҳимова Ҳабиба опада 2003 йил май ойида М.Наимов ёзиб олган.
- (2) Сурхондарё вилояти, Денов туман Қ.Каримов жамоа хўжалиги Ойбарик қишлоғида истиқомат қилувчи 1935 йилда туғилган Солаева Нурбиби момодан 2003 йил ноябрь ойида М.Наимов ёзиб олган.
- (3) Сурхондарё вилояти, Денов туман Ш.Худойназаров жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи 1948 йилда туғилган Пулатова Хурсаной момодан 2003 йил октябрь ойида М.Наимов ёзиб олган.
- (4) Сурхондарё вилояти, Денов туман Ш.Қобилов жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи 1913 йилда туғилган Муроталиева Зумрад момодан 2003 йил август ойида М.Наимов ёзиб олган.
- (5) Сурхондарё вилояти, Олтинсой туман Катта Вахшивор ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи 1930 йилда туғилган Хотамова Ойим момодан 2003 йил сентябрь ойида М.Наимов ёзиб олган.



## МУНДАРИЖА

|                                          |    |
|------------------------------------------|----|
| М. Жўраев. Асрларга бўйдош кўшиқлар..... | 3  |
| Аллалар .....                            | 7  |
| Хўй-йо хўй .....                         | 15 |
| Ёр-ёр .....                              | 19 |
| Келин салом .....                        | 26 |
| Манбалар кўрсаткичи .....                | 38 |

Босишга рухсат этилди 03.04.2006 й. Бичими 60×84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Адади 500 нусха.  
Гарнитура Таймс Тад. Шартли босма табоғи 2,5. Буюртма № 42.

«MinFORM» МЧЖ

босмахонасида chop этилди.

Тошкент ш., Мустақиллик майдони, 2

Тел.: 1282763

